O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2006 йил 2 февраль, № 22 (3821) Пайшанба



Қадимий ва навқирон Қарши шаҳри жорий йилда ўзининг 2700 йиллик тўйини нишонлайди. Табиийки, бу катта тантанага тайёргарлик ишлари ҳам юқори даражада ташкил этилаяпти. Вилоятдаги барча корхона ва ташкилотлар шаҳарда олиб борилаётган бунёдкорлик ишларига баҳоли қудрат ҳисса қўшишмоқда.



## Катта тўйга тадорик

"Қашқадарё электр тармоқлари" очиқ ҳиссадорлик жамияти жамоаси ҳам бу хайрли ишда фаол иштирок этмоқда. Хусусан, шаҳар кўчалари ва хиёбонларига жило берувчи ёритгичлар ўрнатиш ҳамда уларнинг бир маромда ишлаш чора-тадбирларини кўришмоқда.

— Ҳозир жамиятимизда 3 мингдан зиёд малакали энергетиклар меҳнат қилишмоқда — дейди бошқарув раиси Зафар Болтаев. — Улар 1112 км.дан зиёд 110 кВли, 1692, 06 км.ли 35 кВли электр узатиш тармоқлари, 164 та подстанция ва 7732 та трансформаторларнинг бир маромда ишлашини таъминлашмоқда.

**СУРАТЛАРДА:** етакчи муҳандис Толиб Рустамов; таъмирдан чиқарилган марказий подстанция.

Шомурод ШАРОПОВ (ЎзА) олган суратлар.

Фармон ва ижро

*Фарғона вилоятида ўтган йили 2 минг 880 нафардан зиёд киши касаначилик асосида иш билан таъминланди. Йигирмадан зиёд кичик бизнес субъекти касаначилар билан буюртма шартномалари асосида халқ истеъмоли маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва аҳолига хизмат кўрсатишни йўлга қўйди.*

## КАСАНАЧИЛАР КЎПАЙМОҚДА

Президентимизнинг касаначиликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги фармони эса бу борадаги ишларнинг кўламини янада кенгайтирди. Касаначилик билан шуғулланаётганларнинг қонуний асосда ижтимоий муҳофазаси учун имконият яратилди. Касаначилар шу пайтгача фақат кичик корхоналар билан шартнома асосида меҳнат қилган бўлса, энди йирик саноат корхонлари билан ҳам ҳамкорлик қилиш имконига эга бўлди. Бу ҳар иккала томон учун ҳам манфаат келтиради.

Жойларда ушбу фармоннинг мазмун моҳиятини тушунтиришга бағишланган анжуманлар бўлиб ўтмоқда. Қўқон шаҳрида ўтган семинарда шаҳар ҳамда атроф туманларда фаолият кўрсатаётган йирик саноат корхоналари раҳбарлари, касаначилик билан шуғулланиш истагида бўлган кишилар иштирок этди.

Семинарда Қўқон шаҳрида фаолият юритаётган "Улуғбек" ҳиссадорлик жамияти, "Озод", "Шоҳи атлас", "Либос-текс" каби йирик саноат корхоналари меҳнат шартномалари асосида 300 нафар касаначини ишга олгани қайд этилди. Семинарда сўзга чиққан мутахассислар йиғилганларга мазкур ҳужжатнинг моҳияти ва унда белгиланган вазифалар хусусида батафсил маълумот берди.

Касаначиликни ривожлантириш орқали бу йил вилоятда 10 минг 470 та иш ўрни яратиш кўзда тутилмоқда.

**М.СУЛАЙМОНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

***Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида иқтисодиётнинг етакчи тармоқларидан бири — аграр соҳада бозор тамойиллари изчил жорий этилмоқда. Бу борада, айниқса, фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилиб, давлат тасарруфидаги қишлоқ хўжалик корхоналари босқичма-босқич хусусийлаштириляпти. Уларнинг ер ва бошқа мол-мулки фермерларга узоқ муддатга ижарага берилаётир. Айни вақтда давлатимиз раҳбарининг ўтган йил 8 ноябрда қабул қилинган "2006 йилда қишлоқ хўжалик корхоналари (ширкатлар)ни фермер хўжаликларига айлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ зарар кўриб ишлаётган, паст рентабелли, истиқболсиз 450 га яқин ширкат негизида асосан пахта ва ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларини ташкил этиш борасидаги ишлар ниҳоясига етмоқда.***

## НОЗ-НЕЪМАТЛАР ЯНАДА МЎЛ БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 9 январдаги "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ҳамда 11 январдаги "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қишлоқ хўжалигининг мазкур тармоғини ривожлантиришда янги босқични бошлаб берди.

Юртбошимизнинг қарорига мувофиқ жорий йил биринчи чорагида икки юз ўндан ортиқ мева-сабзавотчилик ва узумчиликка ихтисослашган ширкат хўжалигининг боғ-экинзорлари фермерларга тақсимлаб берилади.

— Ширкатларнинг экин майдонлари очиқ ва ошкоралик асосида, адолатли танловлар ўтказиш йўли билан фермерликка талабгорларга берилади, — дейди Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги қишлоқда иқтисодий ислоҳотлар мажмуи раҳбари ўринбосари Муҳаммадқосим ОЛИМОВ. — Бунда даъвогарларга тенг шароит яратилади. Аммо, боғ-роғларда узоқ йиллардан бери ишлаб келаётган оилавий пудратчиларнинг ҳуқуқий устуворлиги таъминланади.

Айни пайтда, боғ-токзорлар кимошди савдосида ғолиб чиққанларга ихтисослашувни камида 15 йил давомида ўзгартирмаслик шарти билан берилади. Савдо, асосан, шу ширкат хўжалиги пайчилари ва аъзолари ўртасида ёпиқ тарзда ўтказилади. Турли сабаблар билан бу тарзда ғолиб аниқланмаса, савдога четдан талабгорлар жалб этилиши мумкин.

Бу борада жойларда тугатилаётган ширкатларни фермер хўжаликларига айлантириш билан шуғулланадиган туман ҳокими раҳбарлигидаги малакали мутахассис ва собиқ хўжалик аъзоларидан иборат махсус комиссия фаолият кўрсатмоқда. Танловларнинг адолатли ўтказилишини таъминлаш, таниш-билишчилик, таъмагирлик каби салбий ҳолатларга йўл қўймаслик мақсадида қишлоқ оқсоқоллари, фаоллар, эл-юрт орасида обрў-эътиборли кишилардан иборат жамоатчилик кенгашлари ташкил этилди. Маҳаллий оммавий ахборот воситаларида танловларни ўтказиш бўйича эълон берилиб, шу ҳудудда истиқомат қилувчилар хабардор қилинаётир.

Айни кунларда туман ер тузиш хизмати ходимлари тугатилаётган ширкатларнинг мавжуд экин майдонлари, мол-мулкини хатловдан ўтказиш ишларини якунлаяпти. Бунда ер контурлари бир гектардан кам бўлмаган фермер хўжаликларини ташкил этиш бўйича лойиҳалаштирилиб, туман ҳокими томонидан тасдиқлангач, қайта ташкил этиш комиссияларига топшириляпти. Фермер бўлишга бел боғлаган талабгорлардан аризалар қабул қилиш бошланди.

Мавжуд тартибга биноан, фуқаролар махсус комиссияга ариза билан бирга шу хўжаликда мулкий пайга эга эканлиги, банкка талабгор бўлаётган майдон бошланғич баланс баҳосининг камида ўн фоизига тенг маблағ қўйганлиги тўғрисидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим. Талабгорлардан ариза қабул қилиш савдо бошланишидан икки соат олдин тўхтатилади.

Айни вақтда тузилажак янги фермер хўжаликларига хизмат кўрсатадиган инфратузилма объектлари — муқобил МТП, сувдан фойдаланувчилар уюшмаси, ёнилғи-мойлаш, минерал ўғит сотиш шохобчалари, мини банк, турли тара — идишлар тайёрлаш ва сотиш масканларини ташкил этишга ҳам алоҳида эътибор бериляпти.

Президентимизнинг фармонида жойларда фермер хўжаликлари ихтиёрий равишда бирлашиб, агрофирмалар ташкил этиш мумкинлиги қайд этилган. Тузилажак агрофирмалар фермер хўжаликларидан шартнома асосида турли мева-сабзавот маҳсулотларини сотиб олади ҳамда ўз навбатида маҳсулотни қайта ишлаб, бозорга етказиб бериши мумкин. Шунингдек, агрофирмалар таркибига шу ҳудуддаги қайта ишлаш корхоналари ҳам кириш имконига эга.

Муҳими шундаки, янги ташкил этилаётган боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари ягона ер солиғи тўлашдан беш йил муддатга озод қилинади. Бу қулайлик фермерларнинг ўз ерига мевали дарахт ва узумнинг серҳосил навларини экишида, барча агротехника тадбирларини сифатли бажариш орқали юқори ҳосилдорликка эришишида ҳамда янада самарали фаолият кўрсатишида муҳим омил бўлиши шубҳасиз. Шунингдек, янги ташкил этиладиган агрофирмалар уч йил мобайнида даромад (фойда), ер, мулк, қўшилган қиймат (импортга қўшилган қиймат солиғидан ташқари), ягона солиқ тўлови тўламайди. Бундан тушадиган маблағ мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлашни янада ривожлантиришга йўналтирилади.

Буларнинг барчаси мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида мева-боғдорчилик ва полиз ноз-неъматлари етиштиришни кўпайтиришга, бинобарин, халқимиз дастурхони янада тўкин, турмуши фаровон бўлишига хизмат қилади.

**Олим НОРБЕКОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## ЖАҲОН 24 соат ичида

*Лондонда Афғонистонни қайта тиклаш бўйича халқаро конференция бўлиб ўтмоқда.*

### Коррупцияга қарши курашиш эвазига

***Конференцияда иштирок этаётган Афғонистон раҳбарияти ва донор давлатлар вакиллари мамлакатнинг келгуси тақдири билан боғлиқ бир қатор масалалар юзасидан бир тўхтамга келиши лозим. Жумладан, яқин беш йил давомида Афғонистонга халқаро ёрдам кўрсатиш бўйича ўзаро битим имзоланиши кутилаяпти. Мазкур конференцияда Буюк Британия Бош вазири Тони Блэр ва БМТ Бош котиби Кофи Аннан ҳам қатнашмоқда***

***Жорий йилда Афғонистонга 6 миллиард доллар маблағ ажратилади.***

### Гаровдагилар сони 60 нафарга етди

***Ироқ пойтахти Бағдод шаҳрининг жанубий ҳудудида амалга оширилган террорчилик оқибатида 9 киши қурбон бўлди, 50 киши турли даражада жароҳатланди. «Интерфакс» ахборот агентлиги тарқатган хабарда айтилишича, камикадзе одамлар тўда бўлиб турган жойга келган ва ўзини портлатиб юборган.***

***Яна бир манбада таъкидланишича, жангарилар Германиянинг икки фуқаросини гаровга олишган ва расмий Берлинга 75 соат давомида мамлакатдаги ўз дипломатларини олиб чиқиб кетишни ҳамда амалдаги ҳукумат билан ҳамкорликни тўхтатишни талаб қилган. Айни пайтда турли жангари гуруҳлар қўлида 60 нафардан ортиқ хорижлик фуқаролар гаровда ушлаб турилибди. Уларнинг аксариятининг тақдири ҳозиргача номаълум.***

### Кема чўкиб кетди

***Ла Манш қўлтиғида ўн минг тонна фосфор кислотаси ортилган «Эйс» кемаси Польшанинг юк ташиш баржасига урилиб кетиши оқибатида сув тагига чўкиб кетди. Кемани қутқариб қолиш бўйича кўрилган барча чоралар муваффақиятсиз якунланди. Кема бортидаги барча экипаж аъзолари Британия қутқарув вертолётлари ёрдамида қутқариб қолинди.***



***Ҳалокат содир бўлгандан сўнг Буюк Британия ва Франция мутахассисларидан иборат «Манш» тезкор қутқарув гуруҳи иш бошлади. Улар биринчи навбатда сув ва сувости дунёсини муҳофаза қилиш чораларини кўришаяпти.***

### Замонавий тиббий ускуналар

Республика акушерлик гинекология илмий текшириш институтининг Қарши бўлими 24,2 миллион сўмлик замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

Ҳомийлар ва шифокорлар йилининг дастлабки ойидан ультратовуш ва наркоз бериш, электрокардиограф, лоренгоскоп аппаратлари гинекология ва жонлантириш бўлимлари ҳамда лабораторияларга ўрнатилди. Бу беморларга самарали тиббий ёрдам кўрсатиш имконини бермоқда.

**Маҳбуба ОДИЛОВА,**
**«Туркистон-пресс».**

*Мустақиллик иншоотлари*

## ҲАВО ДАРВОЗАСИ ЯНГИЛАНМОҚДА

***Аэропорт — бу ҳар бир шаҳар ёки вилоятнинг бош дарвозаси, юзи-кўзи. Сайёҳнинг ушбу ҳудуд ҳақидаги тасаввури айни шу ердан шаклланади. Бироқ Наманган шаҳрида кейинги йилларда бир қатор замонавий ижтимоий-маиший иншоотлар тикланган бўлса-да, аэропорт биноси дурустроқ таъмирланмаганидан гуллар шаҳрининг кун сайин очилаётган ҳусн-тароватига соя солиб турарди. Шу боис Юртбошимиз бултур вилоятга ташрифи чоғида уни бугунги кун талабларига мос ҳолда янгилаш юзасидан кўрсатма берган эди.***

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳаво дарвозасининг лойиҳачилар таклиф этган янги тарҳдаги қиёфаси кўзни қувонтиради. Уни қоғоздан амалиётга кўчириш билан вилоятдаги 10-қурилиш-монтаж бошқармасига қарашли қурилиш-бутлаш шўъба корхонаси шуғулланяпти. Бунга қадар ёшлар спорт мажмуаси, Нодим Наманганий хотира хиёбони, Фахрийлар уйи сингари бирбиридан чиройли масканларни маҳорат билан бунёд этган мазкур бинокорлик жамоаси янги иншоотни тендер савдосида ютиб олди.

Лойиҳачиларнинг айтишича, ҳозиргача фаолият кўрсатиб келган аэровокзал биносининг меъморий ечими ва безатилиши ўз даврига хос бўлиб, бугунги кунда тубдан янгиланишни тақозо этарди. Шунинг учун у деярли қайта қуриладиган бўлди. Энг аввало, бинога Европа андозалари асосида мукаммал жило берилади. Безак ашёларининг асосий қисми хориждан келтирилади. Масалан, бош бинонинг олд қисмини бўяшда фин бўёғидан фойдаланилади. Айвон қисми шифти хитойликларнинг енгил, ташқи таъсирга чидамли алекобон қопламаси билан ёпилади. Олий мартабали меҳмонларни кутиб олиш залининг ички ва ташқи қиёфаси ҳам энг замонавий усулларда безатилади. Бу ерда йўловчилар учун қулайлик яратиш мақсадида махсус хоналар, шунга мос мебель ва бошқа жиҳозлар бўлиши ҳам кўзда тутилган.

Йирик қурилишнинг қамрови ҳам кенг бўлади, албатта. Айтайлик, иншоотда 2 миллиард 44,6 миллион сўмлик иш бажарилиши керак. Ажратилган вақт эса жуда тиғиз — биринчи босқич вазифаларини 180 иш кунида ниҳоясига етказиш зарур. Айни пайтда қурилиш майдонида бош пудратчи ва ёрдамчи пудратчиларнинг 105 нафар аъзоси ишлаяпти. Бинокорларнинг аксарияти ўнлаб турдош касблар эгасидир: ғишт теришми, сувоқ қилишми ёки пардозлаш юмушларими — бариси устасини кутиб турмайди.

— Иш суръати ёмон эмас, — дейди бош пудратчилар сардори Соҳибжон Аббосов. — Ўтган ойлар ичида ажратилган маблағнинг 820 миллион сўми ўзлаштирилди. Бошқача айтганда, ҳозиргача бош бинода том ёпишни ниҳоясига етказиб, ташқи пардозлаш ишларини бошлаб юбордик. Кутиш зали эса деярли тиклаб бўлинди. Буларнинг ҳаммаси буюртмачи билан тузилган шартнома шартлари ўз вақтида бажарилаётганидан далолат беради.

Ҳукуматимизнинг молиявий кўмаги, қолаверса, қурувчиларнинг шижоати туфайли бу иншоот тез орада марказий шаҳарлардаги аэропортдан сира қолишмайдиган масканга айланиши шубҳасиздир.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## КИТОБ МАРКАЗИ ОЧИЛДИ

***Пойтахтимизда "Шарқ" нашриёт-матбаа компаниясининг "Шарқ зиёкори" очиқ акциядорлик жамиятига қарашли китоб маркази очилди. Марказнинг очилиши муносабати билан бўлиб ўтган тадбирда ёзувчи ва шоирлар, ноширлар, матбаачилар, олимлар, жамоатчилик вакиллари иштирок этди.***

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси Хуршид Дўстмуҳамедов, Ўзбекистон халқ шоири Шукрулло, "Шарқ" нашриёт- матбаа компанияси бош директори Омонулла Юнусов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов халқимиз, айниқса, ёш авлод онгида миллий истиқлол ғояларига садоқат, Ватанга муҳаббат, миллий қадриятларимиз ва анъаналаримизга ҳурмат туйғуларини янада мустаҳкамлашда бебаҳо восита — китоб ғоят муҳим аҳамиятга эга эканига алоҳида эътибор қаратиб келаётганини таъкидладилар.

Мамлакатимизда аҳолининг бадиий, ижтимоий-сиёсий, илмий-маърифий китобларга, таълим муассасалари ўқувчилари ва талабаларнинг янги авлод дарсликлари ва ўқув адабиётларига бўлган эҳтиёжини қондириш, шунингдек, китоб савдоси тизимини янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 3 августда қабул қилинган "Республикада китоб савдоси тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўляпти.

Шаҳримизнинг Бухоро кўчасидаги 26-бинода жойлашган ушбу марказда беш мингдан ортиқ номдаги китоб савдога қўйилган. Китобхонларга хизмат кўрсатиш тизими янада яхшиланиб, савдонинг янгича услублари жорий этилган.

Эндиликда ана шундай замонавий китоб марказларини Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлар марказларида очиш мўлжалланмоқда.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**



Темур ҚУРБОНБОЕВ олган сурат.

## Тақдимот маросими

**_Пойтахтимиздаги Алишер Навоий номли Ўзбекистон Давлат академик катта театрида кейинги йилларда халқаро фестиваль ва танловларда совринли ўринларни қўлга киритган ёш ижрочиларни тақдирлаш «Таcанно» тақдимот маросими бўлиб ўтди._**

Унда санъатшунослар, мусиқа ихлосмандлари, жамоатчилик ҳамда юртимизда фаолият юритаётган дипломатик корпус вакиллари иштирок этдилар.

Республика Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ташаббуси билан ташкил этилган ушбу тадбирда Юртбошимизнинг санъат ва маданият, хусусан, ёш санъаткорларга доимий ғамхўрлик кўрсатилаётганлиги алоҳида таъкидланди.

Тақдимот маросимида қўшиқчилик ва мусиқа санъатини нафақат ўзимизда, балки чет давлатларда ҳам тарғиб этиб, муваффақият қозонаётган ёшлар саккиз йўналиш бўйича муносиб тақдирландилар. Шунингдек, уларнинг устоз-мураббийларига ҳам алоҳида эҳтиром кўрсатилди.

**Г. ҲУСАНОВА.**

### Тажриба ва ташаббус

# ДАВРА ТЎРИ — ФЕРМЕРНИКИ

## Соҳиблик масъулиятини ҳис этганларгина бунга муяссар бўлади



Жиззах вилоятида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган барча шаклдаги жамоаларнинг фермер хўжаликларига айлантирилганлигига икки йилдан ошди. 2004 йилга келиб, вилоят фермерлари 248 минг гектарга яқин майдонда ғаллачилик, 107,5 минг гектар ерда пахтачилик билан шуғулланишди. Ўша йили деҳқонлар ҳар гектар ер ҳисобига ғалла майдонларидан 21 центнердан дон олишиб, хирмон салмоғини 517 минг 239 тоннага етказишди. Давлатга, шунингдек, 231 минг 109 тонна пахта сотилди. Шартномавий режа бажарилиб, соҳадан 5 миллиард сўмга яқин соф фойда олинди.

Қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқларида жиддий ўсиш аслида экин майдонларини фермерларга — ернинг ҳақиқий эгаларига тўласинча топширилганининг маҳсули бўлди. Мисол учун, ҳосилдорлик пахтачиликда салкам 3 центнерга, ғаллачиликда эса 3,5 центнерга ошди.

Вилоятда биринчи бўлиб ёппасига фермерликка ўтган Пахтакор туманида 2002 йилда 1200 дан зиёд фермер хўжалиги фаолият кўрсатарди. Йил ўтиб, уларнинг 300 га яқини тугатилди. 2004 йилда эса яна 102 тасининг фаолияти тўхтади. Бу дегани, ернинг янги, уддабурон эгаларини танлашга тўғри келди. Бугунга келиб, тумандаги фермер хўжаликлари 750 тани ташкил этади.

Қувончлиси, фермер хўжаликлари сони камайган сайин маҳсулот ҳажми ортиб бораверди. Маҳсулот таннархи арзонлашиб, фермерлар кўпроқ даромад оладиган бўлди. Демак, ўзининг ҳақиқий эгасини топган ер майдонлари тобора кўпаймоқда, деган хулосага келиш мумкин.

Тумандаги «Ўзбекистон гўзали» фермер хўжалиги 30 гектар ерда деҳқончилик қиларди. Давлат режаларини мунтазам бажариб келган фермер Шуҳрат Аҳмедов «Хонимқул ота Ҳусанов» фермер хўжалиги тугатилганини эшитиб, бўш қолган майдон учун ўтказилган танловда қатнашди. Ғолиб чиққач, яна 20 гектар ерга эга бўлди. Ўша йилиёқ, давлатга ғалла ва пахта сотиш режаларини 105-107 фоизга уддалади.

Хўш, фермер бунга қандай қилиб эришди?

Аввало, «Хонимқул ота Ҳусанов» фермер хўжалиги ерлари уқувсиз кимса қўлига тушиб қолгани боис деярли қаровсиз қолган эди. Қолаверса, ернинг янги эгаси ишни майдонларни яхшилаб текислаб, маҳаллий ўғит билан озиқлантиришдан бошлади. Суғориш тармоқларини таъмирлаб, экинларга вақтида ишлов берди.

Ширкатлар тўласинча фермерлаштирилгач, ўз-ўзидан сувдан фойдаланувчилар уюшмалари (СФУ) ташкил этишга зарурат туғилди. Эндиликда сувдан тўғри фойдаланмаслик, уни мақсадсиз оқизиб қўйиш ҳоллари фермерга қимматга тушади, каттагина жарима ҳам тўлайди.

Шу ўринда фермер хўжаликларида ишловчи одамлар меҳнати, уларга ҳақ тўлаш ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз.

— Қўшни тумандаги фермер хўжалигида меҳнат қилардим, — дейди ўзини Йўлчибой деб таништирган йигит. — Ҳосил айни етилиши арафасида фермер «Пахтани машинада тердираман, сизларга иш бўлмайди» деган баҳона билан бизга жавоб бериб юборди. Кейин ноиложликдан оиламиз билан «Оқбулоқ»да пахта тердик...

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида фермер хўжалиги аъзоларини ёллаш шартнома асосида амалга оширилиши кўрсатилган. Афсуски, бу талаб ҳалигача кўпгина фермерлар томонидан бажарилмай келаяпти.

— Ўтган йилларда фермер ва ишчилар ўртасида ўзаро низолар рўй бергани боис вилоят адлия бошқармаси билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган «Фермер хўжалиги ходимларини ёллаш тўғрисида шартнома»ни ёппасига татбиқ этишга интилаяпмиз, — дейди туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи Шариф Собиров. — Натижада фермерларнинг аксарияти муқим ишчиларига эга. Эндиликда улар ғалла ўримию пахта терилмини ҳам ҳашарчиларсиз уддалашаяпти. Демоқчиманки, шартнома ҳар икки томон учун ҳам манфаатли ва зарур ҳужжатдир.

Туман аҳли вилоятда биринчи бўлиб пахтани ҳашарчиларсиз териб олиш ташаббуси билан чиққанига ҳам 5 йил бўлди. Ташаббусни бошловчилар эса айнан фермерлар эди. Рост-да, нақд пулни нега ўзгаларга тарқатиш керак? Ана шу тажриба ўтган йили, айниқса, ўз самарасини кўрсатди. Қўл теримига сарф этилиши лозим бўлган 1 миллиард 200 миллион сўм пул туман аҳли киссасида қолди.

Мана шундай даромадлар эвазига фермер хўжаликлари, аҳолининг даромадлари йил сайин ортиб бормоқда. Ўтган йили фермер хўжаликлари 16 та «Алтай», 3 та чопиқ трактори, 25 культиватор сотиб олди. Туманда қишлоқ хўжалик техникаси учун «Эҳтиёт қисмлар дўкони» очилди. Юзлаб техникани капитал таъмирлаш имконияти туғилди. Натижада фермерларнинг ўз техникалари билан шудгор қилган майдонлар ҳажми 8 минг гектарга етди. Олдинги йили бу рақам минг гектарни ташкил этганди, холос.

Туманда фермер хўжаликлари ва уларга хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг иш сифатини мунтазам назорат қилиш ҳам йўлга қўйилган. Бунда вилоят бўйича амал қилаётган сертификатлаш усули қўл келаяпти. Шўр ювиш, яхоб суви бериш, ҳайдаш, экиш, суғориш, қўйингки, ҳар бир агротехника тадбири учун сертификат берилади. Чала, сифатсиз ишлар қайта бажарилиши лозим. Назоратчилар от-улов билан таъминлангани боис, улар ҳатто энг чекка майдонлардаги иш сифатини ҳам кузата оладилар.

Бу жараён давомида фермер хўжаликларига МТПлар хизмати, хўжаликларнинг ўғит, уруғ, ёнилғи-мойлаш материаллари билан қандай таъминланаётгани ҳам аён бўлади.

Ҳа, туманда ўзини ўнглаб олган, 200-250 гектарлаб ерда деҳқончилик қилиб, мўл ҳосил етиштираётган, ўзгаларга ибрат бўлаётган фермерлар кўп. «Анвар-А», «Асл пахта», «Азизон Ревгарий», «Беҳзод», «Дурдона», «Жабборов Ўткир», «Соли» каби юзлаб фермер хўжаликлари эл дастурхонини тўкин этиш, саноатимизни қимматли хомашё билан таъминлаш учун жон куйдиришаяпти. Давранинг тўри фермерларники бўлиб қолгани ҳам шундан.

**Баҳриддин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# МАДАНИЯТ янгиликлари

## «Коинот воҳаси» кўргазмаси

**_“Олтин мерос” халқаро хайрия жамғармасида таниқли рассом, Ўзбекистон Бадиий академияси аъзоси Муҳаммад Фозилийнинг “Коинот воҳаси” деб номланган кўргазмаси иш бошлади._**

“Олтин мерос” халқаро хайрия жамғармаси ва “Ҳамоҳанглик” ижодий маркази ҳамкорликда ташкил этган ушбу кўргазма ҳазрат Алишер Навоий таваллудининг 565 йиллигига бағишланган.

Мўйқалам соҳибининг “Буюк Навоий”, “Тош устидаги шаҳар” ва “Қора чорқиррадан халос бўлиш” каби асарлари буюк меросимиз, инсон моҳияти, унинг замон ва макондаги ўрни ҳақида фалсафий мулоҳазаларга ундайди.

— Ўз асарларимда коинот ўлчамлари, фалсафий мушоҳадалар ва умумбашарий қадриятларни уйғунлаштиришга ҳаракат қилиб, шу тушунча ва туйғуларни картиналарим орқали томошабинлар ихтиёрига ҳавола этишга ҳаракат қилдим, — деди рассом кўргазма очилиш маросимида.

Кўргазмада Тошкент шаҳри ва вилоятидаги меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, мактаб ўқувчилари, маҳалла фаоллари, тасвирий санъат ошуфталари иштирок этмоқдалар.

Кўргазма 9 февралгача давом этади.

## Давлатбойнинг саховати

**_Қонликўл туманида «Саўбет» фермер хўжалиги ва унинг раҳбари Давлатбой Жумановни яхши билишади. Фермер нафақат меҳнатда эришаётган улкан ютуқлари, балки саховатпешалиги билан ҳам эл назарига тушган. У «Қонликўл» овул фуқаролар йиғини ҳудудидаги 16-ўрта мактабга икки йилдан бери ҳомийлик қилиб келади._**

Фермер яқинда яна бир хайрли ишга бош қўшди. Унинг ташаббуси билан мактабда миллий кураш бўйича Ўзбекистон биринчилиги ғолиби Гавҳар Есемуратова ҳамда «Умид ниҳоллари» спорт мусобақасининг республика босқичида ғолибликни қўлга киритган ўқувчилар билан қизиқарли учрашув ташкил этилди.

Тадбирда ғолиб спортчиларга фермер томонидан қимматбаҳо совғалар топширилди.

## Тадбир ва ташаббус

**_Йўлдош Охунбобоев номидаги Марғилон мемориал музейи экспонатлари тобора кўпайиб бормоқда._**

Музейнинг ҳозирги замон техника тараққиётини акс эттирувчи залига Марғилон корхоналарининг янги маҳсулотларидан намуналар қўйилди. Айни пайтда этнография зали ҳам янги кўргазмалар ҳисобига бойитилди.

— Музейимиз жамоаси Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигига атаб алоҳида кўргазмалар зали ташкил этишга бел боғлаган, — дейди музей директори Ғанижон Алижонов. — Унда шаҳримизнинг узоқ ўтмишидан ҳикоя қилувчи ҳужжатлар, экспонатлар, эсдаликлар, топилмалар ўрин олади.

Бундан ташқари музей ходимларининг ташаббуси билан кўчма кўргазмалар ташкил этилиб, меҳнат ва ўқув жамоаларида намойиш этиш режалаштирилмоқда.

**Хабарларни Г. ЙЎЛДОШЕВА ва М. ЖОНИХОНОВ тайёрлади.**

## Маърифат маскани

**_Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг Марказий офицерлар саройи Қуролли Кучларимиз тизимида хизмат қилаётганларнинг илмий-маърифий ва интеллектуал салоҳиятини оширишда салмоқли ҳисса қўшиб келаётган масканлардан биридир._**

Бу ерда ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари ва армияга чақирилувчилар ўзларининг маданий-маърифий билимини юксалтириши, касб ўрганиши, ҳордиқ чиқариши учун барча шарт-шароит яратилган. Саройдаги театр студияси, кўргазма, спорт ва кино заллари, методик ҳамда ўқув хоналари нафақат офицерлар, балки барча ташриф буюрувчилар хизматида. Ранг-баранг томоша ва янги киноасарлар намойиши мунтазам йўлга қўйилган.



**СУРАТДА: Мудофаа вазирлиги қошидаги Марказий офицерлар уйи фаолиятидан лавҳа.**

**А. РИСҚИЕВ олган сурат.**

## Янги шохобчалар

Шу кунгача Олот, Қоракўл ва Жондор туманларида Бухоро вилояти нефть маҳсулотлари унитар корхонаси Қоракўл бўлимига қарашли 15 та ёнилғи тарқатиш шохобчаси ишлаб турганди. Корхона раҳбарияти фермерларга қулайлик яратиш мақсадида яна 10 та шундай шохобча очишга қарор қилди. Бу шохобчалар февраль ойи охиригача ишга туширилиб, экиш мавсуми бошлангунча фермерларга зарур миқдорда ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари етказиб беради.

**Мурод РАВШАНОВ, «Туркистон-пресс» мухбири.**

### ЎЗБЕКИСТОН-РОССИЯ: ҳамкорликнинг янги уфқлари



**_Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатида Россия Федерация билан ҳамкорлик алоҳида ўрин тутади. Икки давлат раҳбарлари томонидан имзоланган ҳужжатлар бу борада муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда._**

# НАРХИ АРЗОН, ТАЪМИ МАЗАЛИ

Маълумотларга қараганда, юртимизда Россия сармояси иштирокида ташкил этилган 400 дан зиёд қўшма корхона фаолият кўрсатаётир. Ушбу корхоналар халқ хўжалигининг дори-дармон, қурилиш материаллари, ёғочни қайта ишлаш, электроника ва машинасозлик каби соҳаларига ихтисослашган. Шу билан бирга, Россияда ҳам Ўзбекистон сармояси иштирокидаги 267 та қўшма корхона ишлаб турибди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги “Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони мамлакатимиз иқтисодиётига инвестиция киритиш иштиёқида бўлган хорижий сармоядорлар сонини сезиларли даражада оширибгина қолмасдан, балки уларнинг эмин-эркин фаолият юритишларида дастуриламал бўлмоқда. Пойтахтимизда ташкил этилган Россиянинг "Вимм-Билль-Данн" компанияси фаолияти бунга далилдир. Ўз таркибига 28 та корхонани бирлаштирган, йиллик айланма маблағи бир млрд. АҚШ доллари миқдоридаги мазкур компания томонидан ишлаб чиқарилаётган сут маҳсулотлари, мева шарбатлари, болалар озиқ-овқати, минерал сувлар сифати ва арзонлиги туфайли аллақачон харидорлар кўнглини топишга улгурди.



Ўзбекистон ҳукумати билан мазкур компания маъмурияти ўртасида имзоланган меморандумга кўра, у “Тошкент-сут” очиқ акциядорлик жамиятига қарашли Тошкент сут комбинати акцияларини сотиб олгач, собиқ корхонага замонавий технологияларни келтириб ўрнатган эди. Бугунги кунда бу ерда бир кеча-кундузда 100 тоннагача маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Муҳими, корхона эҳтиёжига яраша хомашёни мамлакатимиз фермерлари етказиб беришмоқда.

**СУРАТДА: қўшма корхона лаборантлари Умида Валиқориева ва Муяссар Азимова.**

**Дилшод ЮСУПОВ (ЎзА) олган сурат.**

**_“Камолот” ЁИҲ Марказий кенгашида “LG Grant” лойиҳасининг ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди._**

## «LG Grant» ғолиблари аниқланди

«LG Electronics» компаниясининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси, “Камолот” ЁИҲ Марказий кенгаши ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамкорлигида ўтказиб келинаётган ушбу лойиҳага Тошкент шаҳридаги олий таълим муассасалари бакалавр босқичида таҳсил олаётган 130 нафар талаба ҳужжат топширган эди. Синовдан ўтган 114 нафар талаба иккинчи босқичда тест, иншо ҳамда оғзаки шартлар асосида ўзаро беллашди. Кейинги босқичга йўлланмани қўлга киритган 57 нафар талаба эса мазкур грант учун билимларини синаб кўришди.

Барча шартлардан муваффақиятли ўтган Г. Султонхўжаева, С. Қорёғдиева, Д. Убайдуллаева, Е. Пересипкина, М. Абдусаматов, Р. Ҳусаинова, Л. Каримова, М. Верғазов, Ю. Папаянс ва Р. Долиевалар лойиҳа ғолиби бўлишди. Унга кўра, талабаларга соврин сифатида таҳсил олаётган ўқув юрти ҳисоб рақамига 500 минг сўм ўтказилади.

Бу лойиҳанинг сўнгги босқичида беллашадиган ўн нафар талабанинг ғолиби Жанубий Кореяга боради.

**Қобил ХИДИРОВ.**

### Диққат: танлов!

# Мустақил босма нашрлар ва журналистлар учун «ЖАМИЯТ ВА МЕН» республика танлови

_Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди мустақил босма нашрларда мамлакат ижтимоий ҳаётининг устувор ва долзарб мавзуларини кенг ёритиш, фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, республиканинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини юксалтириш ҳамда босма нашрларнинг фаолиятини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш, уларнинг нуфузини ошириш, босма нашрларни жамият ҳаётида кечаётган жараёнларни холис ва ҳаққоний, танқидий ва таҳлилий жиҳатдан юксак савияда тайёрланган материаллар билан бойитиш, аҳолининг ижтимоий аҳамиятдаги муҳим ахборотларга бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш, журналистларнинг профессионал даражасини, ижодий фаоллигини ошириш мақсадида республикадаги мустақил босма нашрлар ва журналистлар ўртасида “Жамият ва Мен” танловини эълон қилади._

### Танловни ўтказиш қоидалари

Танловга жорий йилнинг 1 февралидан 1 июнига қадар мустақил босма нашрларда чоп этилган ижодий ишлар қабул қилинади.

Танлов икки йўналишда: мустақил босма нашрлар учун алоҳида ва журналистлар учун алоҳида ўтказилади.

Танловга жамият учун муҳим аҳамиятга эга мамлакатимиздаги ижтимоий- иқтисодий, маданий-маърифий, ҳуқуқий-маънавий соҳалардаги ислоҳотларнинг боришини, санъат ва спорт, таълим, тадбиркорликни ривожлантиришга йўналтирилган дастурларнинг амалдаги ижросини тарғиб қилишга бағишланган ижодий ишлар тақдим этилади.

Танловга тақдим этилган ижодий ишлар босма нашрларда танлов учун махсус ташкил этилган “Жамият ва Мен” танловига” рукнида жорий йилнинг 1 февралидан кейин чоп этилган бўлиши шарт.

Тақдим этилган материаллар икки қатор оралиғида, икки нусхада, босма ҳолда 5-10 саҳифадан иборат бўлиши, ўзбек ёки рус тилларида тайёрланган бўлиши керак.

Ишга босма нашр тўғрисида маълумотлар — нашр номи, муассислари, бош муҳаррири, ихтисослашуви, адади, тарқатилиш ҳудуди, манзили;

Муаллиф тўғрисида — фамилияси, исми, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот, паспортга оид маълумотлар илова қилинади:

### Танловни ўтказиш тартиби

Танловга тақдим этилган ижодий ишлар етакчи журналистлар, жамоат ташкилотлари, жамғармалар, манфаатдор вазирлик ва идоралар вакиллари орасидан танланган нуфузли ҳайъат томонидан кўриб чиқилади ва баҳоланади.

Ғолибларни аниқлашда мавзунинг долзарблиги, иш мазмунининг ижтимоий аҳамияти, материални етказишдаги аниқлик ва ўзига хослик, профессионал маҳорат асосий мезон ҳисобланади.

Танловга топширилган ижодий ишлар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

### Танлов якуни

“Жамият ва Мен” танлови якуни 2006 йил 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунида тантанали равишда эълон қилинади. Танловда ғолиб чиққан мустақил босма нашрлар таҳририятлари ва журналистлар таъсис этилган мукофотлар ва махсус дипломлар билан тақдирланадилар.

### Танлов ғолибларига мукофотлар

Мустақил босма нашр таҳририятлари учун:

**_1-ўрин — компьютер тўплами;_**
**_2-ўрин — сканер мосламаси;_**
**_3-ўрин — “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” тўплами._**
**_4,5-ўринлар — рағбатлантирувчи дипломлар._**

Журналистлар учун:

**_1-ўрин — Россия Федерациясининг энг илғор оммавий ахборот воситаларида малака ошириш учун хизмат сафари;_**
**_2-ўрин — компьютер тўплами;_**
**_3-ўрин — “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” тўплами._**
**_4,5-ўринлар — рағбатлантирувчи дипломлар._**

_Ижодий ишлар “Жамият ва Мен” танловига деган қайд билан танлов матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб жорий йилнинг 1 июнига қадар Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондига қуйидаги манзилга жўнатилади:_

**Тошкент шаҳри — 700129,
Навоий кўчаси 30-уй, 3-қават, 5-хона.
Телефон\факс: 144-12-51.
Ташкилий қўмита.**

*Мамнуният*

***2006** йилнинг Ҳомийлар ва шифокорлар йили деб белгиланиши тиббиёт ходимларининг жамиятдаги мавқеини ошириш йўлида эълон қилинган қарор ва фармонлар республикадаги барча тиббиёт муассасалари қаторида бизнинг жамоамизда ҳам қувонч билан кутиб олинди.*

# Эзгуликнинг чеки йўқ

Мустақиллик йилларида таълим, аҳоли саломатлигини асраш, ёш авлодни соғлом ва ҳар томонлама билимли қилиб вояга етказиш, маънавий бойликлар ва қадриятларимизни қайта тиклаш сингари масалалар ижтимоий сиёсатнинг устувор йўналишлари деб белгиланди. Биргина тиббиёт соҳасини оладиган бўлсак, ўтган «Аёллар йили», «Соғлом авлод йили», «Оналар ва болалар йили», «Қарияларни қадрлаш йили», «Сиҳат-саломатлик йили»да жуда катта ислоҳотлар амалга оширилди. Мамлакатимизнинг ўнлаб олис туманларида қишлоқ врачлик пунктлари ишга туширилди, вилоятларда шошилинч тез тиббий ёрдам марказлари ташкил этилди.

Юртбошимиз томонидан 23 январь куни имзоланган «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастури тўғрисида»ги қарорда алоҳида таъкидланганидек, 2006 йилда ҳам бу борадаги эзгу ишлар давом эттирилади. Асосий эътибор тиббиёт ходимларини ижтимоий ҳимоялаш ва уларнинг мавқеини оширишга қаратилади.

Мамлакат раҳбариятининг бундай ғамхўрлиги бизни янада масъулият билан сидқидилдан ишлашга ундайди, шарафли касб эгалари бўлган шифокорларга руҳий ва маънавий мадад беради.

**Маҳмуджон ХОЛИҚОВ,**
**Андижон вилояти ортопедия ва травмотология шифохонаси бош шифокори ўринбосари.**




*— «Халқ сўзи» бизнинг ҳам севимли газетамиз.*

Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.



# СЎЗ СИЗГА, ГАЗЕТХОН

Муаммо

## Қуруқ гап қулоққа ёқмас

Ҳўжалигимиз ҳудудида олтита маҳалла мавжуд. Уларда беш мингдан зиёд аҳоли яшайди. Лекин хонадонларимизга ҳалигача телефон кириб бормаган. Устига устак, тиббий хизмат ҳам яхши йўлга қўйилмаган.

Тўғри, 1998 йили хўжалигимиз марказида барча қулайликларга эга қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилганди. Биз бундан роса қувонгандик. Афсус, бултур кўкламда унинг деворлари ёрилиб кетди. Шу боис у ёпиб қўйилди. Оқибатда ҳозирги қишли-қировли кунларда бемор кексалар, ногиронлар, ёш болали оналар саломатликларини тиклаш учун 5-8 километр йўл босиб, туман марказий поликлиникасига қатнашга мажбур бўлмоқдалар. Бу ҳолат аҳоли ўртасида ҳақли эътирозлар ва норозиликлар келтириб чиқармоқда. Шунга қарамай, “Оққўрғон” қишлоқ фуқаролар йиғини, туман марказий касалхонаси ва туман хокимлиги мутасаддиларининг парвойлари палак. Улар бизга “Ҳаммасини эплаймиз, аҳволни ўнглаймиз”, дея қуруқ ваъдалар беришдан нарига ўтмаяптилар.

**С.НИШОНОВ, У.МАМАТҚУЛОВ, А.АБДУСАТТОРОВ ва бошқалар.**
Тошкент вилояти.

*Мирзаобод тумани марказида «Ҳомийлар ва шифокорлар боғи» барпо этилади. Шу мақсадда бир ярим гектар майдонга мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилади.*

## Янги йилда — янги боғ

***Боғда отахонлар чойхонаси, болалар учун ўйингоҳлар ҳам қурилади. Турли-туман ичимликлар, музқаймоқлар сотадиган павильонлар дам олувчилар хизматида бўлади.***

***Шунингдек, боғда ёшлар вақтларини мазмунли ўтказишлари учун компьютер хонаси очиш мўлжалланган. Барча қурилишлар ҳомийлар маблағи эвазига амалга оширилади.***

**Х. АЛИҚУЛОВ.**
Сирдарё вилояти.

*Яхшидир аччиқ ҳақиқат*

***«Халқ сўзи» газетаси ва бошқа оммавий ахборот воситаларида истиқболсиз ширкат хўжаликлари негизида фермер хўжаликлари ташкил топаётганлиги хусусида берилаётган мақолаларни ўқиб, кўрсатувларни томоша қилиб бораман. Нега деганда, ўзим бир неча йилдан буён «Абдурайим ота нияти» фермер хўжалигининг раҳбариман. Ўтган йили ҳам ғалла ва пахта тайёрлаш бўйича шартнома режаларини ошириб бажардик.***



# БЎШ ЁТГАН ЕРГА АЧИНАМАН

**Б**иласизми, ҳайдов ва ишлов тракторим мавжудлиги, ўн нафар фарзандим асосан дала юмушлари билан бандлиги туфайли кўп йилдан бери ёнимизда ҳувиллаб ётган чорва фермасини хусусийлаштириб бериш тўғрисида юқори ташкилотларга мурожаат қилавериб чарчадим. Эшитадиган жавобим битта: «ферманинг эгаси бор...»

Аслида шундайми? Ўн олти гектар ер майдони ҳамда ферма биноси аввал бир йигитга қарарди. Кейинчалик улар Қиличбеков фамилияли кишига ўтди. Бугунги кунда эса ана шу далаю ферманинг эгаси - Карим Абдуллаев. Аммо, тўрт йилдирки, фермада на мол боқилади, на парранда. Биз ҳар гектар ердан ўртача 25-28 центнердан пахта топширишимиз шарт. Ҳайратланарлиси, Карим Абдуллаевнинг режаси эса атиги 15 центнердан экан. Аслида ер майдонимиз туташ, бунинг устига, бир ариқдан сув ичамиз. Қизиқ, қайси «билағон» раҳбар унинг ғалла ва пахта бўйича шартнома режасини бунчалик пасайтириб беради экан? Инсоф, адолат, ҳаммага бирдай муносабатда бўлиш, деган тушунчалар қаерда қолди?

Менинг ҳам чорвачилик фермам бор. Йилига Гулистон шаҳри бозорига тонна-тонна сут ва гўшт топшираман. Товуқ, курка, жўжа боқаман. Қўшним эса қуруқ бинони қўриқлаб ўтиришни ўзига эп кўради. Наҳотки, туман раҳбарлари шундай ачинарли ҳолатни кўрмаганликка оладилар?

Фақат шугина эмас. Ферма ҳовлисидаги икки гектардан ошиқроқ майдон фақат шўразордан иборат. Буни кўриб, одамнинг жони ачийди. Чунки йилига бу ерда фақат тикан ва шўра ўсади. Ер ўз эгасига топширилганлиги шуми?

Ҳаётимизда танишбилишчилик, ноқонуний қўллаб-қувватлаш қачонгача давом этади?

Менинг ёзма ва оғзаки аризаларим бўйича бир неча маротаба тумандан ва вилоятдан вакиллар келиб кетишди. Афсуски, аҳвол ўзгармади.

Бугунги кунда ер танлов асосида ҳақиқий фермерларга берилаяпти. Шундай ҳам бўлиши керак. Лекин қўшним Карим Абдуллаев мендан хафа бўлмасин. Ерга, ҳувиллаб ётган бинога ичим ёнганлиги учун мен дардимни тўкиб солдим, холос...

**Худойберди ҚОДИРОВ,**
**Гулистон туманидаги «Янги ҳаёт» фермерлар уюшмасидаги «Абдурайим ота нияти» фермер хўжалиги раҳбари.**

*Миннатдорлик*

# Кўча обод бўлди

***“Халқ сўзи” газетасининг 2005 йилги 24 ноябрь сонида чоп этилган “Аросатда қолган кўча” сарлавҳали мақолада Шайхонтоҳур тумани Ш.Шоюсупов номидаги ва “Ипакчи” маҳаллалари оралиғидаги Махтумқули кўчаси эътиборсиз қолгани, тунги ёриткичлар йўқлиги тилга олинганди.***

Қарийб икки йил бурун ўтказилган канализация тармоқлари кавлаб ташлангани кўча чиройини бузиб ётгани айтилганди.

Яқинда таҳририятимизга ушбу кўча аҳли номидан келган хатда айтилишича, бугунги кунда йўл ва йўлаклар қайта таъмирланган. Белгиланган жойларга тунги чироқлар ўрнатилиб, барча камчиликлар бартараф этилган. “Тошшаҳарнур” давлат унитар корхонаси директорининг биринчи ўринбосари Ш. Аҳмедов имзо чеккан расмий жавобда ҳам Махтумқули кўчасида яшовчилар газета чиқишидан кейинги ўзгаришлардан қониқиш ҳосил қилишгани таъкидланган.

*Таажжуб*

# Ҳеч вақосиз дўкон

***Мен оилавий пудратчиман. Ўзимга ажратилган ерда баҳоли қудрат деҳқончилик қилиб келаман. Бироқ охирги пайтларда ер унумдорлигини ошириш учун маъданли ўғит топишда анча қийналаяпман.***



Туман “Қишлоқхўжаликкимё” бўлими қошида ташкил этилган дўконга қачон бормай, “Маъданли ўғит ҳам, бизга маблағ берадиган ҳомий ҳам йўқ!” деган жавобни эшитаман. У ҳолда биз кимга мурожаат қилайлик?

**Маҳмуджон ИСРОИЛОВ.**
Косонсой тумани.

*Жавоб*

# Обунада ўзгариш бор

***Газетамизнинг ўтган йилги 14 декабрь сонида «Кутубхонага газета келмаса...» сарлавҳали танқидий мақола чоп этилганди. Шу муносабат билан Бухоро вилояти ҳокими ўринбосари О. ЖУМАЕВдан қуйидаги расмий жавобни олдик:***

«Мақола вилоят ҳокимлиги томонидан атрофлича ўрганиб чиқилди. Аниқланишича, Ғиждувон тумани марказий кутубхонаси томонидан 2005 йилнинг биринчи ярим йиллигида республика, вилоят ва туман вақтли матбуот нашрларидан 38 номдаги газета, 23 номдаги журналга, жами 1 миллион 159 минг 893 сўмлик обуна уюштирилган. Бироқ қўшимча маблағ ажратилмагани боис йилнинг иккинчи ярмида китобхонлар кўпроқ сўрайдиган газеталарга обуна ташкил қилинмаган.

Туман ҳокимлиги ҳамда вилоят ҳокимлигининг маданият ва спорт ишлари бошқармаси ушбу кутубхонанинг 2006 йил учун обунаси масаласини муҳокама қилиб, туман молия бўлими билан келишган ҳолда, туман маданият ва спорт ишлари бўлмининг кафолат хати орқали, жами қиймати 1 миллион 988 минг сўмлик 41 номдаги газета, 29 номдаги журналга обунани ташкил этди.

Ғиждувон тумани ҳокимлиги ҳамда вилоят ҳокимлигининг маданият ва спорт ишлари бошқармасига барча кутубхоналарга жорий йил учун обунани тўлиқ йўлга қўйиш юзасидан тегишли кўрсатма ва топшириқлар берилди».

# НАФАҚА ПУЛИ ТАЙИНЛАНДИ

**ТАҲРИРИЯТГА ХАТ**

Мен 2000 йили туғилган тўнғич ўғлимга нафақа олиш учун зарур ҳужжатларни жамлаб, “Мингчинор” қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Шермат Ўрозовга учрашдим. У “Болангга нафақа берилмайди. Чунки оилавий даромадингиз керагидан ортиқча”, деб ҳафсаламни пир қилди. 2001 йили иккинчи фарзандим дунёга келганида ҳам шундай бўлди. Йиғин раиси “Нафақа оламан, деб, хомтама бўлма, лимит тугаган” деган баҳона билан яна раъйимни қайтарди. Ниҳоят, 2005 йили кенжа ўғлим Жасур туғилди. Унга нафақа тайинлашни сўраб боргандим, Ш.Ўрозов, одатдагидек, “Ота-онангнинг пенсияси етарли. Сенга пул йўқ. Қаерга борсанг, боравер!” деб жеркиб берди.

Ҳолбуки, отам ва онам ногиронлик бўйича пенсияга чиқишган. Иккаласи жами 37 минг сўм пенсия пули олади. Унинг ярми дори-дармонга кетади. Мен далада ишлайман. Қўлим йиллаб пул кўрмайди. Меҳнат ҳақим эвазига буғдой беришади. Бундай вазиятда етти жондан иборат оиламизнинг аҳволи қандай кечади?

**Фахриддин УСМОНОВ.**
Пахтакор тумани.



**НАТИЖА**

*Ушбу ариза туман ҳокимлиги ҳамда вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси мутасадди ходимлари томонидан атрофлича ўрганиб чиқилди. Шу жараёнда аниқланишича, Фахриддин Усмонов йиғин раиси Ш.Ўрозовга 2005 йил сентябрида кейинги фарзанди Жасурга ишламайдиган оналарга болани икки ёшгача парвариш қилиши учун тўланадиган ойлик нафақа тайинлаш масаласида оғзаки мурожаат қилган. Ш. Ўрозов унга 2005 йилнинг учинчи чорагида шу мақсадда бериладиган нафақа лимитида маблағ йўқлигини айтиб, декабрда ҳамма ҳужжатларини тайёрлаб келиши лозимлигини тушунтирган. Ф. Усмонов туман прокуратураси ва молия бўлимига кириб, ажратилган лимитлар тўлиқ тақсимланганини юзасидан маълумотлар олган. Бироқ, ўзининг айтишича, “Халқ сўзи”га ҳеч қандай шикоят хати ёзмаган. Бор-йўғи ўша куни уйига қайтаётиб, йўлда туман газетаси ходимларидан бирини учратиб қолган ва унга бўлган воқеани сўзлаб берган. Мухбир “Сен боравер, нафақани тўғрилашга ўзим ёрдамлашаман”, деган.*

*Ф. Усмоновнинг турмуш ўртоғи Яхшигул эса кичик ўғли учун нафақа белгилашни сўраб, бултур кузда қишлоқ фуқаролар йиғинига ариза берган. Шунга кўра, 2005 йил декабридан эътиборан бир йил муддатга ҳар ойига 18 минг 880 сўм миқдорида нафақа пули тайинланди.*

**Б.ТЎРАЕВ,**
**Жиззах вилояти ҳокими ўринбосари.**

# Шифобахш сувнинг қадри шуми?

***1985 йил баҳорида Қўшработ туманидаги Қўшоғоч қишлоғида маъданли сув топилди. Семашко номидаги республика илмий-текшириш институтининг курортология бўлими мутахассислари унинг таркибини ва шифобахшлик хусусиятларини дунёга машҳур Қрим сиҳатгоҳлари сувларига тенглаштиришди.***



*Истак*

Бу хушхабар кўп ўтмай кенг тарқалди. Қўшоғочга шифоталаблар кела бошлашди. Шу муносабат билан уларга зарур шарт-шароитлар ҳозирлаш ишлари бошлаб юборилди. Дастлабки кузатувлар ижобий натижалар бергач, беморларнинг бу сувда чўмилишлари учун ҳам имконият яратишга киришилди. Бир йўла эллик киши даволанадиган барча қулайликларга эга замонавий санаторий қурилишига қўл урилди. Бироқ, мана, ўн йилдирки, у ниҳоясига етмай, чала қолиб кетди.

Холбуки, бугунги бозор иқтисодиёти шароитида узоқ шаҳарларга бориб даволанишга ҳар кимнинг ҳам қурби етмайди. Агар мутасаддилар озгина ҳафсала қилиб, “Қўшоғоч” санаторийси қурилишини охирига етказсалар, ҳам дардмандлар мушкули осонлашарди, ҳам юртимиздаги сиҳатгоҳлар сони яна биттага кўпайган бўларди.

**Абдулла ҚАРШИЕВ.**
**Қўшработ тумани.**

# Тушунмовчиликка тушунмадик

*Ажабо*

**К**асбим — муаллимлик. 1989 йилдан буён Қоракўл туманидаги 6-ўрта мактабда ёшларга тарих ва ҳуқуқ фанларидан сабоқ бериб келаман. Шу билан бир қаторда, шогирдларимни ўз ихтисослиги бўйича олимпиада мусобақаларига тайёрлаб бораман. Натижаси чакки бўлмаяпти. Улар беллашувнинг туман ва вилоят босқичларида муваффақиятли қатнашаяптилар.

2005-2006 ўқув йили учун бўладиган олимпиадага бошқалар қатори ўз ўқувчим ҳисобланмиш қизим Адибахон билан ҳам пухта ҳозирлик кўрдим. Ҳар қалай, изланишларимиз зое кетмади. Қизим мусобақанинг туман босқичида ғолиб чиқди. Жорий йилнинг 4-5 январь кунлари ўтказилган вилоят босқичида ҳам энг юқори натижаларга эришди. Ҳуқуқшунослик фани бўйича 11-синф ўқувчилари ўртасида олимпиада ғолибаси сифатида эълон қилинди. Буни ҳакамлар ҳайъати раиси ва аъзолари тегишли ҳужжатлар асосида тасдиқлашди.

Аммо орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, кутилмаган воқеа рўй берди. Менга «Тушунмовчилик бўлибди. Қизингиз республика олимпиадасига бормайди», дейишди.

Ажаб, бу қанақаси бўлди?

Ёки гап бошқа ёқдамикан? Қизимнинг ўрни бошқа бировга керак бўлиб қолдимикан? Мана шу муаммонинг ечимини топишда менга амалий ёрдам кўрсатишингизни сўрайман.

**Ғафур ҲАЙИТОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси.**

**ЛАФЗСИЗЛИК**

# Соқов телефонлар ва ваъдабоз раҳбарлар

Мен иккинчи жаҳон уруши ногирониман. Ёшим 84 да. Ўғил-қизларим уй-жойли бўлиб, ўзларидан тинчишган. Кампирим иккимиз тўнғич неварамиз билан бирга яшаймиз. Кексалик қурсин, дам-бадам тобимиз қочиб туради. Шунақа пайтларда «тез ёрдам» чақириш учун ёки фарзандларимиз ёрдамига муҳтожлик сезиб, уларга сим қоқишга тўғри келади. Бироқ, қарийб бир йилдирки, маҳалламиздаги 80 та телефон қатори бизники ҳам ишламайди. Ўтган давр мобайнида бу ҳақда АТС бошлиғига бир неча бор, шаҳар прокуратурасига бир марта арз қилиб бордим. Бирови телефонимиз бир ҳафтадан кейин, бошқаси бир ойдан сўнг ишлашини айтиб, ваъдани қуюқ қилишди. Амалда ҳеч қандай ўзгариш бўлмади. Лоақал бирор киши келиб, ҳақиқий аҳвол билан танишмадиям.

Зора, таҳририят аралашувидан сўнг ваъдабоз раҳбарлар инсофга келиб, телефонимизни улаб беришса...

**Абдулла БОБОЕВ.**
**Олмалиқ шаҳри, «Намуна» маҳалласи.**

# Ёлғон гапга ишонманг



*Аризадан кейинги ариза*

Биз, Ногаҳон қишлоғи аҳолиси бундан бир неча ой муқаддам дурустроқ дўконга ёлчимаётганимиз, оқибатда кундалик турмуш учун энг зарур озиқ-овқат маҳсулотларини ҳам узоқдан олиб келишга мажбур бўлаётганимиз ҳақида “Халқ сўзи”га шикоят қилгандик. Шу асосда газетанинг 2005 йилги 9 ноябрь сонида “Бир яхши дўкон бўлса...” сарлавҳали мақола чоп этилди.

Мақоладан сўнг туман ҳокимлиги ва савдо департаменти вакиллари қишлоғимизга келиб, муаммони жойида ўрганишди. Аммо ҳақиқий аҳволдан кўз юмиб, бу ерда анчадан бери дўкон бор, у барча зарур маҳсулотлар билан таъминланган деб ёлғондакам далолатнома тузиб кетишди. Ваҳоланки, ҳозирда бу шохобчада фақатгина ун сотилаяпти.

**Р. МЕНГИРОВ ва бошқалар.**
Қамаши тумани.

## Дўст мамлакатнинг қутлуғ байрами

**Ўзбекистон давлат консерваториясида Ҳиндистон Республикаси ташкил топган кунининг 57 йиллигига бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди.**

*Унда Республика Маданият ва спорт ишлари вазири А. Азизхўжаев сўзга чиқиб, бугунги кунда икки мамлакат ўртасида барча соҳаларда алоқалар жадаллик билан ривожланиб бораётганлигини таъкидлади.*

*Таъкидлаш жоизки, Ҳиндистон 1950 йилнинг 26 январида мустақил республика деб эълон қилинганди. Шу кундан бошлаб ушбу сана мамлакатда миллий байрам сифатида кенг нишонлаб келинади. Ўтган вақт мобайнида Ҳиндистон дунё миқёсида ўз мавқеини мустаҳкамлабгина қолмай, кўплаб соҳаларда етакчи давлатга айланди. Изчил иқтисодий сиёсат олиб борилиши натижасида бугун мазкур мамлакат энг ривожланган ўнта давлат қаторидан муносиб жой олди. Аҳоли сони бўйича дунёда иккинчи ўринда турувчи мамлакатда 14 та тил ва юзлаб лаҳжаларда сўзлашувчи кишилар истиқомат қилади.*

*Ҳиндистон Ўзбекистоннинг Осиёдаги асосий ҳамкорларидан ҳисобланади. Икки халқ ўртасидаги дўстлик алоқалари минг йиллик тарихга эга. Юртимиз мустақилликка эришгандан сўнг турли соҳалардаги алоқалар янада ривожланди. Ҳукуматлараро битимлар имзоланди.*

*Тадбирда Ҳиндистоннинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Сканд Ранджан Тайал иштирок этди.*

**Алимардон РАҲМАТОВ.**



### 2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили

***Эл соғлиги — юрт бойлиги, деб бежизга айтилмаган. Соғлом кишигина юксак орзу-мақсадлар билан яшайди ва уларни рўёбга чиқариш учун бор куч-ғайратини, салоҳият ва имкониятларини ишга солади. Ўз олдига буюк келажакни барпо этишдек олий мақсадни қўйган бизнинг Ватанимиз учун миллатнинг, ҳаётга кириб келаётган янги авлодларнинг соғлиги, баркамоллиги, айниқса, алоҳида аҳамият касб этади. Шу боисдан, халқ саломатлигини тубдан яхшилаш, янги етук авлодларни вояга етказиш мустақил Ўзбекистонимизда давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб келмоқда.***

# БОЙЛИКНИНГ БОШИ — СОҒЛИҚ

Ўтган ўн беш йил мобайнида бу жабҳада мамлакатда катта ишлар қилинди. Президентимиз ташаббуси билан тиббиёт соҳасини ислоҳ қилиш, уни замоннинг юксак талаблари даражасига кўтариш мақсадида махсус давлат дастури ишлаб чиқилди ва у изчил амалга ошириб келинмоқда.

Биргина Хоразм вилоятида мустақиллик йилларида 35 та шифохона, бир нечта оромгоҳ, 217 та даволаш-профилактика муассасалари, бир сменада 20 минг беморни қабул қилишга мўлжалланган амбулатория ва поликлиника муассасалари тизими, жумладан, 147 та қишлоқ врачлик пунктлари бунёдга келди. Уларни йилдан-йилга янада замонавийроқ тиббий техника ва асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш чора-тадбирлари давом этяпти. «Сиҳат-саломатлик йили» деб ном олган 2005 йилда вилоятда мавжуд тиббий муассасалар ёнига яна битта янги шифохона (Янгибозор туманида), битта янги туғруқ мажмуаси (Хонқа туманида), битта марказий шифохонанинг янги биноси (Янгиариқ туманида), 10 та қишлоқ врачлик пунктлари қўшилди.

Вилоятда, шунингдек, оналар ва болалар скринингги фаолиятига асос солинди. Урганч шаҳрида замонавий Скрининг маркази ишга туширилди. Ушбу марказга «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси томонидан 300 минг АҚШ доллари қийматидаги ноёб «Делфия-Виктор» лаборатория аппарати тақдим этилди.

Тиббий ходимлар малакасини ошириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор кўрсатилмоқда. Ўтган йил 30 нафардан ортиқроқ тиббиёт ҳамширалари Исроил давлатида малака ошириб қайтдилар. Умуман олганда, 2005 йилда воҳадан Тошкентда ва бир қатор хорижий давлатларда 600 нафардан зиёд тиббиёт ходимлари билим ва малака оширдилар. Шунингдек, аҳолининг тиббий маънавиятини ошириш, соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишлари кенг йўлга қўйилган.

Вилоятда «Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастурининг ижроси учун 2005 йилда 9,5 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Дастурни амалга оширишда ҳомийларнинг мадади ҳам катта бўлди.

Халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгаши 2006 йилнинг мамлакатимизда «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилиниши ҳамда Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 13 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузасида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда, вилоятда амалга ошириладиган кенг қамровли ишларни режалаштирди.

Табиийки, 2006 йилда ҳам ўтган йил ва ундан олдинги йилларда мамлакатда халққа тиббий хизматни яхшилаш йўлида амалга ошириб келинган хайрли амаллар ўз ривожини топади. Хусусан, тиббиёт соҳасидаги ислоҳотлар янги сифат босқичларига кўтарилади. Хоразм вилоятида ҳам масалага ана шу нуқтаи назардан қаралмоқда. Вилоятда Президентнинг тиббиёт ходимлари меҳнатига хақ тўлашнинг ва уларни рағбатлантиришнинг такомиллаштирилган тизимига ўтиш ҳақидаги қарори кўтаринкилик билан кутиб олинди. Жорий йилнинг 1 январидан вилоят тиббиёт муассасалари тизимидаги шифокорлар ва ўрта тиббиёт ходимлари оширилган ойлик иш ҳақи ва устамалар ола бошладилар. Аҳоли ушбу Қарорни тиббиёт ходимлари учун муносиб меҳнат шароити яратиш, олижаноб шифокорлик меҳнатини рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этишидан ташқари, уни элга тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини юқори кўтаришга асос бўлувчи бир ҳужжат сифатида қадрламоқдалар.

Вилоятда энг аввало, қишлоқ жойларидаги тиббий хизмат муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозлаш ва улардан самарали фойдаланишни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилади. Жумладан, 2006-2007 йилларда Қишлоқ врачлик пунктларидан 25 тасини тўлиқ замонавий ускуналар билан жиҳозлаш кўзда тутилмоқда. 2006 йилда ҳомийлар кўмагида вилоятдаги барча болалар шифохоналари тўлиқ таъмирдан чиқарилади. Яна бир янгилик шуки, Урганчда Республика ихтисослаштирилган Урология марказининг филиали ташкил этилади. Вилоятдаги Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси, «Маҳалла», «Нуроний», «Наврўз» жамғармаларининг вилоят бўлимлари ёлғиз пенсионерлар ва ногиронларни, ҳалок бўлган ҳарбий ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш тизими хизматчиларнинг оилаларини, «Мурувват» ва Меҳрибонлик уйларини пул маблағлари, озиқ-овқат, дори-дармон, кийим-кечак, мебеллар ва кўрпа-тўшак билан таъминлашга йўналтирилган фаолият олиб борадилар. Вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг вилоят бўлимлари маҳаллаларда, фуқаролар йиғинларида, мактабларда, олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида, корхоналарда соғлом турмуш тарзи фалсафасини кенг тарғиб этиш ва оммавий спорт турларини ривожлантиришга қаратилган мусобақаларни, фестиваллар ва миллий ўйинларни ташкил этишни режалаштирмоқдалар. Туманларда «Саломатлик марказлари» аҳолининг тиббий маданиятини оширишга бағишланган буклет ва рисолалар тайёрлаб, аҳолига тарқатмоқда.

Лўнда қилиб айтганда, Хоразм вилоятида Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан кўрилаётган барча чора-тадбирлар воҳада кўрсатиладиган тиббий хизмат савиясини янги баркамол босқичга кўтаради, халқимизнинг, ёш авлоднинг чинакам бахтли, соғлом бўлиб вояга етишига хизмат қилади.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Спорт

### Ўн бир давлат ичидан Ўзбекистон танланди

***Маълумки, жорий йил апрель ойида пойтахтимизда кикбоксинг бўйича навбатдаги жаҳон чемпионати бўлиб ўтади. "Гранд Мир" меҳмонхонасида уюштирилган халқаро семинарда нуфузли мусобақани ҳар томонлама юксак савияда ўтказиш масалалари муҳокама қилинди. Унда жаҳон чемпионати ташкилий қўмитасига аъзо бўлган Эрон, Хитой, Қозоғистон, Қирғизистондан вакиллар қатнашди.***

Йиғилишда таъкидланишича, жаҳон чемпионатини пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" спорт мажмуасида ўтказиш режалаштирилган, бугунги кунгача дунёнинг 55 га яқин мамлакатидан мусобақада қатнашиш истаги билдирилган хатлар олинган. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, якка кураш спорт турлари орасида пойтахтимизда илк бор жаҳон чемпионати ташкиллаштирилаяпти. Уни юқори савияда ўтказиш учун Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Кикбоксинг федерацияси барча-барча ҳамкорликда фаолият олиб бориши, ҳомийларни жалб этиш, реклама роликларини яратиш масалаларига эътибор қаратиш лозимлиги айтиб ўтилди.

— Жаҳон чемпионатини ўтказишга ўн битта давлат даъвогарлик қилганди, — дейди Бутунжаҳон кикбоксинг федерацияси президенти Муҳаммадгасем Манучеҳри. — Биз эса Ўзбекистонни танладик. Албатта, бунинг ўзига хос сабаблари бор. Эсингизда бўлса, ўтган йил Тошкентда кикбоксинг бўйича Осиё очиқ чемпионати зўр муваффақият билан ўтганди. Ўша мусобақалар жараёни, Ўзбекистондаги спорт мажмуалари, меҳмонхоналар тасвири туширилган видео тасмаларни 150 дан ортиқ мамлакатлар кикбоксинг федерацияларига жўнатгандик. Кўпчилиги чемпионатни Ўзбекистонда ўтказишни қўллаб-қувватлашди.

**З.ЖОНИБЕКОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

MTC GSM

UZDUNROBITA first cellular

Халқаро роуминг тарифларининг арзонлашуви!
МТС (Россия, Белорусь) ва UMC (Украина) компаниялари тармоқларида тарифлар арзонлашди!



Роумингда Ўзбекистонга «Уздунробита» абонентларига
Қўнғироқлар нархи 40%гача арзонлаштирилди!

Ўзбекистон бўйича шаҳар тармоғига ва бошқа мобил алоқа тармоқларига эса 16%гача арзонлаштирилди!
Тарифларни www.uzdunrobita.uz сайтида кўриш мумкин.

Доимий тараққиётга қўшилинг!

NEW! Тармоқ кенгайиши давом этмоқда!
Қўшимча 7 янги база станциялари: Тошкентда, Тошкент вилоятида (Кўкорол), Сирдарё вилоятида (Навбаҳор), Навоий вилоятида (Зарафшон, Учқудуқ) ишга тушди.

www.uzdunrobita.uz / wap.uzdunrobita.uz
Хизматлар лицензияланган
2087H/2585

Миллий ҳамда чет эл валютасидаги барча банк хизматлари
Сизнинг муваффақиятингиз учун!
«ПАХТАБАНК» ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!
1974Р/2496

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВАРХИТЕКТҚУРИЛИШ ҚЎМИТАСИ
КАПИТАЛ ҚУРИЛИШДА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР ВА НАРХЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАРКАЗИ

ИНВЕСТОРЛАР, ЛОЙИҲАЛОВЧИЛАР ВА ҚУРУВЧИЛАР УЧУН ПРОГРАММА КОМПЛЕКСЛАРИ

• QURQIYMATASOS-2005 (*патент* №DGU 000947)
Даврхитектқурилиш қўмитаси буйруғи билан тасдиқланган. Қурилиш баҳосини жорий нархда аниқлаш ҳисобини, локал-ресурс сметалари, жамлама ресурс ведомостлари, ишлар ведомости, ресурс ведомостлари ва бошқаларни тузишга ва бажаришга имкон беради.
• QURILISHMATERIALLARI NARXI (*патент* №DGU 01043)
Ўзбекистон Республикаси бўйича 2003 йилнинг октябридан асбоб-ускуналар, мебеллар ва инвентарлар, қурилиш материаллари нархи тўғрисидаги маълумотлар базасига эга. Базага киритилган маълумотлар асосида тезда сизни қизиқтирувчи қурилиш материаллари, асбоб-ускуналари тўғрисидаги маълумотларни минтақалар бўйича нархини билишга ҳамда аниқ материаллар ёки асбоб-ускуналарни ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи таъминловчилар тўғрисидаги маълумотлар беради.
• QURILISH ME'YORLARI (*патент* №DGU 01048)
Даварxитектқурилиш қўмитаси томонидан тасдиқланган ва келишилган капитал қурилиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги амалдаги жамланган норматив базасига (иқтисодий смета нормативи ва методик тавсияномалар) эга. Капитал қурилиш соҳасидаги сизни қизиқтирган база маълумотномасига киритилган ҳужжатларни тезда топишга имкон беради.
Аниқ маълумотлар бизнинг сайтда www. stroyinfo.uz
"Программа комплекслари..." шартнома асосида накд пул ўтказиш йўли билан тарқатилади.

700011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6. Тел: 144-07-82, 144-07-74, 144-08-89.
E-mail: stroyinfo@dostlink.net www. stroyinfo.uz

Программа комплексидан фойдаланиш — вақтни, маблағни иқтисод этади ва қурилиш нархини жорий нархда кўп вариантли ҳисобини аниқлайди.
2079Н/159

**АТ «ПАХТА БАНК» БОШҚАРУВИ** шуни маълум қиладики, «Халқ сўзи» газетасининг 2006 йил 1 февраль 21-сонида чоп этилган пластик карточкага оид реклама материалидаги «1 февралдан» сўзи «1 мартдан» деб ўқилсин.

ТАШКИЛОТ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН
автомобиллар ва қишлоқ хўжалиги техникаси учун қуйидаги корхоналарда ишлаб чиқарилган кенг ассортиментдаги
ШИНАЛАРНИ сотади:
ЕНГИЛ МАШИНАЛАР УЧУН, ЕНГИЛ ЮК ТАШУВЧИ МАШИНАЛАР УЧУН, ОҒИР ЮК ТАШУВЧИ МАШИНАЛАР УЧУН, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАСИ УЧУН
Телефонлари: (99871) 137-10-61, 137-20-76, 137-20-84, 334-64-21.
АККУМУЛЯТОРЛАР
Шиналар буюртма бўйича 30-35 кунда Украина ва Россиядан вагонларда келтирилади.
Улгуржи ва чакана савдо қилиш филиаллари манзиллари:
Наманган ш., «Дўстлик» шоҳкўчаси, 1-А уй. Тел.: (3692) 24-56-60.
Андижон ш., «Мирпўстин» к., 20-уй. Тел.: (3742) 24-04-88.
Данғара ш., «Тошкент» к., 74-уй. Тел.: (37357) 2-19-06.
Термиз ш., Ч.Сафаров к., 80-уй. Тел.: (37622) 2-45-85.
ТОВАРЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН. ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.
653Н/2404

*Ўзбек Халқаро Банки «Ўзприватбанк» Тошкент шаҳар филиали (ОКПО 19594143) тугатилади. Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой давомида қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 16-«А» уй.*

Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирининг биринчи ўринбосари Галина Саидовага падари бузруквори
**Карим ота САИДОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси жамоаси Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирининг биринчи ўринбосари Галина Саидовага падари бузруквори
**Карим САИДОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси жамоаси «Инженер-техник маркази» филиали директори Эргаш Аллаевга синглиси
**Назира АЛЛАЕВАнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси И. Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти жамоаси етакчи илмий ходим, фалсафа фанлари доктори, профессор Расулжон Носировга укаси
**Турғунбой НОСИРОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 457. 34694 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулда босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшид Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.
Тахририятга ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Г. Йўлдошева.
Навбатчи — Б. Гофуров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 21.30 12345